

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КАДРЛАР СИЁСАТИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Аъзамжон Умаралиев

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
магистранти

2024 йил 1 январь ҳолатига штатлар жадвали бўйича штат бирликлари сони (Штатлар жадвали бўйича тасдиқланган ходимлар сони) 72 600 тани ташкил этмоқда, улардан аёллар 18.7%, яъни 13 753 нафарни ташкил этади.

2023 йил январь-август ойларида Жамият корхона ва ташкилотларига жами 5 049 нафар фуқаро ишга олинган бўлиб, уларнинг 532 нафари 2023 йил битириувчилариридир. Жамият бўйича кадрлар кўнимсизлиги 1,01% ни ташкил этди.

Ходимларнинг 30%ини 30 ёшгача бўлган ёшлар, 30-45 ёш оралиғидагилар 45% ни, 45 ёшдан ошганлар 25% ни ташкил этади.

Ходимларнинг 18,4 фоизи олий маълумотга, 49,8 фоизи ўрта-максус маълумотга ва 31,8 фоизи ўрта маълумотга эгадирлар, раҳбар лавозимидағи ёш ходимлар сони қарийб 360 нафарни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган бошқарув ходимлари 3 820 нафарни, ишлаб чиқариш ходимлари 47 344 нафарни, техник ходимлар 8 985 нафарни, хизмат кўрсатиш ходимлари 13 117 нафарни ташкил этади.

Жамият бўйича тасдиқланган касбий стандартлар асосида лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилган, ўрнатилган тартибда тасдиқланган.

Жамият бўйича имзоланган “Персонални тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2023 йил 20 октябрь 11-NGK-сонли буйруғига мувофиқ, Тошкент темир йўл техникуми ҳузурида фаолият юритиб келаётган “Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш” маркази ҳамда “Машинист ва машинист ёрдамчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” ўқув маркази негизида “Темирийўлинфратузилма” АЖ таркибида фаолият юритувчи юридик шахс мақомига эга Персонални тайёрлаш муассасаси ташкил этилиши белгиланди.

Ушбу буйруқ бандлари ижроси доирасида Муссаса устави, Муссаса таркибида фаолият юритувчи марказлар Низомлари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кадрлар тайёрлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ўқув режа ва фан дастурлари таҳлил қилинмоқда.

Персонални тайёрлаш муассасаси ташкилий тузилмасига киритилган бўлимлар қуйидаги функцияларни бажаради, жумладан:

Ўқув-услубий бўлим. Ўқув-услубий бўлимнинг мақсади, марказлар таълим жараёнини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш,

Муассаса тузилмаларини давлат таълим талаби ва асосий ўқув хужжатлари билан таъминлаш;

Марказлар ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкил қилиш, ўқув, ўқув-услубий ишларини мувофиқлаштириш;

ўқув жараёнини бошқаришдаги меъёрий-услубий хужжатларни доимий такомиллаштириш;

Соатбай дарс ўтувчи ўқитувчиларнинг хужжатларини расмийлаштириш, соатбай дарс фондининг тақсимланишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиёт тармоқларида камиде беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2021 йил 4 ноябрь 675-сон қарорларига мувофиқ тавсия этиладиган номзодларни саралаш ва ўрнатилган тартибда раҳбариятга таклифлар киритиш.

Хусусан, 2019/2020 ўқув йилида 97 нафар, 2020/2021 ўқув йилида

108 нафар, 2021/2022 ўқув йилида 94 нафар, 2022/2023 ўқув йилида

90 нафар ҳамда 2023/2024 ўқуй йилида 99 нафар ишчи-ходимлар сиртқи таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган.

2024/2025 ўқув йилида яна 100 нафар ходимларни сиртқи таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этиш режалаштирилган.

Халқаро алоқалар. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида, хорижнинг етакчи олий таълим муассасаларида тор доирадаги мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида техникум хузурида фаолият юритиб, 2021/2022 ўқув йилида техникумларда таҳсил олаётган, тасарруфдаги корхоналарда меҳнат қилаётган ёшлар орасида 41 нафар, 2022 йилда яна 33 нафар, 2023 йилда эса 10 нафар ёшлар хорижий университетларга ўқишга юборилган, хусусан, ҳозирда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви мажлисларида қабул қилинган қарорларга мувофиқ: Россия Федерациясининг Россия транспорт университетида: Транспорт жараёнлари технологияси, машинасозлик, техник тизимларни бошқариш, информатика ва ҳисоблаш техникаси, ахборот тизимлари ва технологияси, қурилиш, рельсли йўлларни қуриш ва фойдаланиш, ахборот хавфсизлиги, амалий информатика, транспорт жараёнлари технологияси, ер усти транспорт технологик мажмуалар, энергетика ва электротехника, темир йўл, кўприклар ва

транспорт туннелларини қуриш, темир йўл ҳаракат таркиби, поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида, Россия Федерациясининг Миллий тадқиқотлар ва технологиялар университетида (НИТУ МИСиС)да: Технологик машина ва жиҳозлар, материалшунослик ва материаллар технологияси, металлургия, информатика ва ҳисоблаш техникаси, электроника ва наноэлектроника йўналишларида, Россия Федерациясининг Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университетида: Энергетик машинасозлик, юқори технологияли плазма ва энергетик қурилмалар, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, электрон тизимлар конструкцияси ва технологияси, амалий механика, техник тизимларни бошқариш, ядро энергетика ва иссиқлик физикаси, мехатроника ва робототехника, информатика ва ҳисоблаш техникаси, совитиш, криоген ускуналар ва ҳаётни қўллаб-қувватлаш тизимлари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, дастурий таъминот муҳандислиги, электроника ва наноэлектроника, стандартлаштириш ва метрология, наномуҳандислик, технологик машина ва жиҳозлар, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш технологияси, юқори технологияли плазма ва энергетик қурилмалар, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, вакуумли компрессор техникаси, амалий механика, электрон тизимлар конструкцияси ва технологияси йўналишларида, Россия Федерациясининг Шимолий - Кавказ кон-металлургия институтида: Металлургия; технологик машина ва жиҳозлар, электроэнергетика ва электротехника, электроника ва наноэлектроника, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўналишларида, Беларус Республикасининг Белорус давлат транспорт университетида: Темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича жами 142 нафар ёшлар таҳсил олмоқдалар.

2024 йилда эса хориж олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш режалаштирилган, натижада иқтидорли ёшларни танлаб олиш имконияти кенгаяди.

Шу билан бирга, 2024 йилдан бошлаб Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг грандларида қўйидаги таълим йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ёшларнинг танловларда иштироклари таъминланади, жумладан:

Seoul National University of Science and Technology, Graduate School of Railway, Жанубий Корея:

- Темир йўлларда электр таъминоти ва сигналлаштириш муҳандислиги (Electric&Signalling Engineering);
- Ҳаракат таркиби тизимларини лойиҳалаш муҳандислиги (Rolling Stock System Engineering);
- Темир йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳандислиги (Railway Safety Engineering);

- Темир йўлни бошқариш ва тариф сиёсати (Railway Management & Policy);
- Темир йўллар қурилиши муҳандислиги (Railway Construction Engineering). Technische Universität Dresden, Дрезден техника университети, Германия):
- Интерmodal ташишларни бошқариш (Intermodal Traffic Management). Vienna University of Technology, Вена техника университети, Австрия:
- Етказиб бериш занжирини бошқариш (Supply Chain Management). Technical University of Berlin, Берлин техника университети, Германия):
- Темир йўлни бошқариш (Railway operations) Graz University of Technology, Грац техника университети, Австрия):
- Тунеллар қурилиши (Tunnel construction).

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича Марказ томонидан темир йўлнинг йўналишлари бўйича режалаштирилган 124 та гурухдан амалда 100% шакиллантирилди, бундан раҳбар - мутахассислар - 79 та, ишчи касб ходимлари - 45 та гуруҳни ташкил этиб, амалда 2032 нафар ходимлардан 1702 нафари (83%) малака ошириш (қайта тайёрлаш) курсларидан ўтди.

2023 йилнинг 1,2 ва 3-чоракларида буйруқлар ижроси доирасида жами жами 1495 нафар раҳбар, мутахассис ва оммавий ишчи касб ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлашга сафарбар этиш белгиланган.

Амалда 1319 нафар (88%) ишчи-ходимлар малака ошириш курсларида иштирок этди, 176 нафар ишчи-ходимлар турли сабабларга қўра малака ошириш курсларида иштирок этмади.

2023 йил 4-чорак якунига қадар яна 837 нафар ходимларни малакасини ошириш режалаштирилган.

Марказ томонидан Давлат таълим талаби ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

2024 йилда ўқув жараёнини ҳудудларда (минтақавий темир йўл узелларида ташкил этилган техник ўқув машғулот хоналарида) ташкил этиш орқали 4000 нафарга яқин ходимларни малака ошириш (қайта тайёрлаш) курсларига жалб этиш режалаштирилган.